

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ №8

Кармана туман

2022 йил "27" 10

27«10»2022 yil.

3964-5-71-TB/2022-son

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Кармана туман тиббиёт бирлашмаси номидан «Низом» асосида иш кўрувчи И.Р.Надиров бир томондан, кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган «Мухаммад келажак сари" МЧЖ номидан «устав» асосида иш кўрувчи А.Х.Саидов иккинчи томондан куйидаги бўйича шартномани туздилар.

I. ТАРИФЛАР

1. Бажариладиган курилиш ишлари лойихага асосан олиб борилади, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар хамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар ва бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномаси (Форма-2) асосида иш олиб борилади.

курилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилаб берилади;

вақтингчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган хар қандай типдаги вақтингчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейингчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш - ишларнинг хар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган холда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига Кармана туман тиббиёт бирлашмасига карашли ШТЁБ биносини жорий таъмирлаш бўйича лойихада кўзда тутилган холда қуриш бўйича курилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда жорий нархларда **169 900 000 (Бир юз олтмиш тўққиз миллион тўққиз юз минг сўм)** ташкил этади.

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейингчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлгандা;

ишлар хажми ва тури қатъий равища ўзгартирилмайди(конунда кузда тутилган холлар бундан мустасно);

объектнинг курилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

3.3. Курилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлгандан иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб килинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Шартномага мувофиқ курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

курилиш майдони худудида вақтингчалик иншоотлар куриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтқазилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

курилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

курилиш майдони қўриклинишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага — иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган ва тегишли равишда рўйхатга олинган кундан бошлаб Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. Шартнома:

миллий валюта "сўмда" ўзаро хисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация килган холда миллий валютада "сўмда" ўзаро хисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун хужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

6.2. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.3. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган курилишнинг давом этиши вақти ишлар бошланган кундан эътиборан **40** кунни ташкил этади.

6.4. Мазкур шартнома бўйича ишлар Смета хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

7.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг **30%** (ўттиз) фоизи микдорида аванс ўтказади, бу **50 970 000 (Эллик миллион тўккиз юз етмиш минг сўмни)** ташкил этади.

7.2. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сўнг, кейинги тўлов “Бажарилган ишлар” далолатномасига (форма-2) асосан амалга оширилади.

7.3. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк хукукини ўзида саклаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

7.4. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўтиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу хақда қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган холда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш хукуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун хақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига асосан ишларни бажаришни мустақил равища ташкил этади.

8.2. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-курилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.3. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

8.4. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги хужжатларни беради.

8.5. Пудратчи геодезия нукталарага, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

8.6. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

8.7. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

8.8. Пудратчи ўзи томонидан курилишда кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюллар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини хамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

8.9. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитекткурилишназорат" инспекциясини ёзма равища хабардор қиласди.

8.10. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу хақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз хисобидан очишига, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

8.11. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш кийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

8.12. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сиидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдондан курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

8.13. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида ахамиятга эга бўлган холлар ва холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлик тўхтаб қолишлар, курилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек

курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қиласди.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни З кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

9.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиг бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиг бўлмайдиган куч холатлари амал қилган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишида узайтирилади.

9.2. Агар енгиг бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини мухокама қиласди.

9.3. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга хақлидир.

X. КАФОЛАТЛАР

10.1. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха хужжатларига хамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш мажбуриятини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофиқлигини;

объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлами далолатномасида қайд этилади.

10.2. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиши "Давархитектқурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

11.1. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

11.2 Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб кўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

11.3. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

11.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

11.5 Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

11.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

12.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган заарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошқа қонун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

12.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, ўз вактида молиялаштирганинг ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

12.2. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар хажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

12.3. Пудратчи объектни ўз вактида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилга нуқсонлар ва качиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод қилмайди.

12.4. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёrlари ва қоидаларига, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у холда Буюртмачи "Давархитектқурилишназорат" инспекциясининг хulosasi асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун хақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг ___ фоизи миқдорида жарима ундириш хукуқига эга.

12.5. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплайди.

12.6. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТ

13.1. Томонлар:

- Томонлар, уларнингафиланган (ўзаробоғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиб соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва/ёки коррупция характеристига эга бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмагирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-харакатлари /харакатсизликларини содир этмайдилар.

- Томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари бошқа Томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни. беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи Томон фойдасига қандайдир хатти-харакатларни/харакатсизликлар бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълумқиладилар.

13.2. Томонда ушбу Шартноманинг 6.1-бандиндаги талабларни бузиш содир этилганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда, тегишли Томон бу ҳақда иккинчи Томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса – амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартиба ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўззиммасига олади.

XIV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

14.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибида иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

XV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

15.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

15.2. Пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алохидага тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукуқига эга бўлмайди.

15.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар амалдаги конунларга асосланган равишда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, хақиқий хисобланади.

15.4. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар қандай аҳдлашувни асосланган ҳолда расмийлаштирилиши ва амалдаги конунларга асосланиб тасдиқлаши керак.

15.5. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга хақ тўлашни кечикиришга хаклидир.

15.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча холлар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари қўлланилади.

15.7. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилди.

15.8. Шартнома имзоланиб, Кармана туман буйича Фазначилик булинмасидан руйхатдан ўтгандан сўйнг конуний кучга киради ва амал қилиш мuddати 31.12.2022 йилгacha хисобланади.

XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

ПУДРАТЧИ

«Мухаммад келажак сари” МЧЖ
Юридик манзилгоҳ; Навоий шаҳар

А.Авлоний 14А
ТЕЛ: 94-483-03-09

Х/р: 20208000304907223001

Банк номи: Кармана Микрокредитбанк

Банк коди(МФО:) 00211

ИНН: 301950147

ХХТУТ: 61110

КТУТ: _____

БУЮРТМАЧИ

Кармана ТТБ
Юридик манзилгоҳ; Кармана туман

Тошкент кўчаси 28А уй
ТЕЛ: 79-532-44-86

Х/р: 100022860122347073102054002

Банк номи: Марказий банк Тошкент ш.

Банк коди(МФО:) 00014

ИНН: 200035250

ХХТУТ: 91511

Кармана туман Фазначилиги

Х/Р: 23402000300100001010

ИНН: 201122919



Рахбар

А.Х.Сайдов

Рахбар

И.Р.Надиров



Мурхар

ва имзо

	Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	ISOM NADIROV RAMAZONOVICH
	Imzolangan sana	27.10.2022 11:48
	Hujjat kodi	IY5782846024
	Hulosa kodi	PP4327743040

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

PP4327743040

- 1. Loyihaning turi : Shartnoma**
- 2. Loyihaning nomi: Pudrat shartnomasi (169 900 000)**
- 3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Karmana tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan 27.10.2022 yilda kiritilgan.**

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Karmana tuman
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:**



O.R.SODIQOV

27.10.2022

Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazish to'g'risida



GUVOHNOMA

Reestr dagi tartib raqami № 71

№ 46

2011 yil 14 aprel

Mazkur guvohnoma yuridik shaxs "**"MUHAMMAD KELAJAK SARI"** mas'uliyati cheklangan jamiyatiga Nurota tuman hokimligi huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarini ro'yxatdan o'tkazish inspeksiyasi tomonidan

(o'zbek tilidagi to'liq nomi)

(yuridik shaxs bo'lgan dehqon xo'jaliklari, fermer xo'jaliklari uchun
ajratilgan uer uchastkasi va uning maydoni ko'rsatiladi)

yuridik shaxsga berildi.

Tashkiliy – huquqiy shakli :

THSH

1152

Mulkchilik shakli :

MSH

142

Davlat ro'yxatidan o'tgan kundagi pochta manzili :

MXOBT

1712238501

Yuridik shaxs kodi :

KTUT

23607302

Davlat ro'yxatidan o'tgan kundagi asosiy faoliyat turi:

XXTUT

71280

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami :

STIR

301950147

O'shimcha ma'lumotlar :



Inspeksiva boshlig'i :



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
NAVOIY VILOYAT NUROTA TUMAN HOKIMLIGI
LITSENZIYA

AA № 0007

Mazkur litsenziya bilan Nurota tuman "MUHAMMAD KELAJAK
(litsenziya egasining to'liq nomi)
SARI" mas'uliyati cheklangan jamiyatiga
(faoliyatning ruxsat berilgan turli)
ulgurji savdo faoliyati

ni amalga oshirishga ruxsat beriladi.

Litsenziya egasining joylaşghan joyi (pochta manzili): Nurota tumani Ibn Sino MFY

Sug'diyona ko'chasi 199 uy

Soliq to'lovchi-litsenziya egasining identifikatsiya raqami: 301950147

Litsenziya berilgan sana: 08-oktabr 2018 yil.

Litsenziyaning amal qilish muddati cheklanmagan.

Reyestr bo'yicha tartib raqami № 0007

Vakolatli shaxs:

M.Nazarov

(F.I.Sh)


(imzo)





XALQ DEPUTATLARI NAVOIY VILOYATI KENGASHI QARORI

210100, Navoiy sh., IslomKarimovsh.k 77 A, tel: (79) 229-62-80, e-mail: navoi@exat.uz, info@navoi.uz

2022 - yil 29 - iyul

VI-35-99-5-0-K/22

Navoiy viloyat hokimligi

Вилоят маҳаллий бюджетининг 2022 йил ижроси давомида шакллантирилган қўшимча манбалар хисобидан маблағлар ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 27, 126-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенганининг 2022 йил 8 апрелдаги “Қоракалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг, Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг қўшимча манбаларини аниқлаш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида”ги КҚ-331-IV-сонли қарорига мувофиқ, бюджет ташкилотлари, бюджетдан маблағ олувчи ташкилот ва муассасаларнинг мурожаатларидағи тадбирларни маблағ билан таъминлаш мақсадида, вилоят ҳокимлигининг вилоят маҳаллий бюджетининг 2022 йил биринчи ярим йиллик якунидаги қўшимча манбаларини йўналтириш тўғрисидаги таклифини кўриб чиқиб, халқ депутатлари вилоят Кенгани

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва фармойишларида, Хукумат қарорлари ва баёнларида белгиланган топшириклар ижросини таъминлаш ҳамда худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инфратузилма обьектларини қуриш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида амалга ошириладиган тадбирлар учун

вилоят маҳаллий бюджетининг биринчи ярим йилликда даромадларининг режадан ортирилиб бажарилган қисми хисобидан иловага мувофиқ маблағ ажратилсин.

2. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши котибияти (Ж.Хамраев) вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари хисобидан маблағ ажратилган бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг ажратилган маблағлардан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар тўғрисидаги хисботларини ҳалқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияларида өшлиб борилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2022 йил 8 апрелдаги КҚ-331-IV-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 13-бандига мувофиқ, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари фавқулодда вазиятларда ва шунга ўхшаш кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилиши талаб этиладиган холларда ишлатилган маблағлар тўғрисида Қорақалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгаси ҳалқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашларига хисбот бериш шарти билан қўшимча маблағларни (электрон савдо майдончасида ер участкаларига бўлган ҳукуқларни сотишдан маҳсус ғазна хисбракамларига ҳакиқатда тушган тушумлар бундан мустасно) йўналтириш бўйича қарорлар қабул қилиши мумкинлиги белгилаб кўйилганлиги инобатга олинсин.

4. Вилоят давлат солик бошқармаси (А.Ботирадиев) туман (шаҳар) ҳокимлклари билан биргаликда 2022 йил учун Навоий вилояти маҳаллий бюджети даромадлари прогнозини ҳудудлар кесимида бажарилишини таъминласин.


5. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иктисадий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорлик масалалари бўйича доимий комиссиялари бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши ҳамда бюджет интизомига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш тавсия этилсин.

6. Бюджет ташкилотлари ва муассасалари ҳамда бюджетдан маблағ олувчилар ажратилган маблағдан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминласинлар.

7. Вилоят давлат молиявий назорат бошқармаси мазкур карор билан ажратилған маблағларни амалдаги қонунчилік хужжатлари талабларига мувофиқ максадли ва самарали фойдаланишини назорат килсин.

8. Мазкур карор ижросини назорат килиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Т.Атамуратов) ва халқ депутатлари вилоят Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириши масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси



Н.Туреулов

т/р	Ташкилот ва муассаса номи	Максади	Йўналти-риладиган маблаглар (млн.сўмда)
65	Навоий шаҳар Ҳалқ таълим бўлимига	Чет тилларни ўқитишга ихтиослашган таълим муассасаларини моддий-техника базасини мустахкамлаш харажатлари учун	29,0
66	Навоий шаҳар тиббиёт бирлашмасига	Коммунал тўловлардан юзага келган карздорликларни копланн харажатлари учун	500,0
67	Зарафшон шаҳар тиббиёт бирлашмасига	Марказлашган иссиқлик энергияси ва иссиқ сув тизимини маҳаллий қозонхонага айлантириш харажатлари учун	550,0
68	Фозғон шаҳар ҳокимлигига	"Тумар" ва "Мармаробод" МФЙ биноларига иссиқлик тизими ўрнатиш харажатлари учун	60,0
69	Фозғон шаҳар мактабгача таълим бўлимига	4-сонли МТТни зарур бўлган жихозлар билан таъминлаш харажатлари учун	50,0
70	Фозғон шаҳар ободонлаштириши бошкармасига	Сим ёғочларга замонавий ёритиш ускуналари ва чироқлар ўрнатиш харажатлари учун	300,0
71	Кармана тумани Мактабгача таълим бўлимига	Махсус таъмирланн эксплуатация бўлими учун хом ашё материаллари хамда ёритини жихозларни сотиб олиш харажатлари учун	100,0
72	Кармана тумани Тиббиёт бирлашмасига	Маъмурий бинони таъмирланн харажатлари учун	400,0
73	Кармана тумани Ҳалқ таълим бўлимига	19-умумтаълим мактаб том кисмини таъмирланн хамда атрофини ўраш харажатлари учун	300,0
74	Кармана тумани ободонлаштириши бошкармасига	Сим ёғочларга замонавий ёритини ускуналари ва чироқлар ўрнатиш хамда таъмирланн харажатлари учун	400,0
75	Конимех тумани ҳокимлигига	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 мартағи ПҚ-5020-сонли карорнинг 13-бандига асосан Конимех туманида жойлашган Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириши вилоят маркази бўлими биносини таъмирланн ва жихозланн харажатлари учун	275,0
76	Конимех тумани ҳокимлигига	"Наврўз" МФЙ кўчаларига кузатув камералари ўрнатиш харажатлари учун	200,0
77	Конимех тумани тиббиёт бирлашмасига	Тиббиёт бирлашмасига каранили 6 та таъмирталаб биноларни таъмирланн хамда тиббиёт жихозлар билан таъминланн харажатлари учун	400,0
78	Конимех тумани мактабгача таълим бўлимига	11-сонли "Гунча" МТТ канализация тизимини таъмирланн харажатлари учун	100,0
79	Қизилтепа тумани Ҳалқ таълими бўлимига	8-9-12-14-19-28-32-умумтаълим мактабларини таъмирланн хамда иситиш қозонларини яигисига алмаштириш харажатлари учун	600,0
80	Қизилтепа тумани Ҳалқ таълими бўлимига	Махсус таъмирланн эксплуатация бўлими учун хом ашё материаллари хамда ёритини жихозларни сотиб олиш харажатлари учун	100,0
81	Қизилтепа тумани мактабгача таълим бўлимига	Махсус таъмирланн эксплуатация бўлими учун хом ашё материаллари хамда ёритини жихозларни сотиб олиш харажатлари учун	200,0
82	Қизилтепа тумани ободонлаштириши бошкармасига	Туман марказидаги кўчаларга замонавий чироқлар ўрнатиш харажатлари учун	500,0
83	Қизилтепа тумани ободонлаштириши бошкармасига	Кабристонларни таъмирланн ва тартибга келтириш харажатлари учун	400,0
84	Павбаҳор тумани тиббиёт бирлашмасига	Гумандаги ОШИ ва ОПларни юмнок ва каттик инвентарлар билан таъминланн харажатлари учун	150,0